



ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ БОШ ВАЗИРИ ШАВКАТ МИРОМОНОВИЧ МИРЗИЁЕВНИНГ ОЛИЙ МАЖЛИС ҚОНУНЧИЛИК ПАЛАТАСИ ВА СЕНАТИНИНГ ҚЎШМА МАЖЛИСИДАГИ НУТҚИ

Хурматли Спикер!
Хурматли Сенат раиси!
Муҳтарам депутатлар ва сенаторлар!

Кадрли қўшма мажлис иштирокчилари!

Шу кунларда барчамиз биргаликда юрагимизда чуқур дард билан, ўрнини тўдириб бўлмайдиган оғир жудаликни бошимиздан кечирмоқдамиз. Нуруний оқсоқолларимиз, мўтабар оналаримиз ва опа-сингилларимиз, ёш йигит ва қизларимиз, 32 миллионли бутун Ўзбекистон халқи, хорижий мамлакатлардаги кўпсонли дўстларимиз буюк давлат ва сиёсат арбоби, мамлакатимизнинг Биринчи Президенти Ислам Абдуганиевич Каримовни чексиз қайғу билан сўнгги йўлга қузатдилад.

Шу фурсатдан фойдаланиб, азиз Ислам Абдуганиевичнинг рафиқаси — хурматли Татьяна Акбаровнага, қизи — Лола Исламовнага ва яқинларига барчамизнинг номимиздан яна бир бор чуқур таъзия билдиришга рухсат бергайсиз.

Вақт ва ҳаётнинг ўзи Ислам Абдуганиевич Каримовнинг замонавийнинг улғу сиёсатчиси, узоқни кўрадиган ва стратегик фикр юритадиган шахс, дунёда ва турли минтақаларда юз бераётган ўта мураккаб воқеа-ҳодисаларнинг моҳиятини давлатчилик нуқтаи назаридан кўра билиш қобилиятига эга бўлган, ўз юрти ва халқи учун, ҳар бир ватандошимизнинг тақдирини учун улкан масъулият туйғусини чуқур ҳис қиладиган атоқли раҳбар эканлигини ҳар томонлама тасдиқлади.

Миллий тарихимизнинг энг кескин ва таҳликали даврида, миллатлараро тўқнашулар ва бошқа зиддиятлар авж олган, мамлакатимизда

фуқаролар уруши хавфи юзага келган, иқтисодиёт чуқур инкирозга учраган, бир сўз билан айтганда, эски замоннинг умри тугаб, янги замон бошланаётган бир пайтда Ислам Абдуганиевичнинг республика раҳбари этиб сайланиши Яратганининг халқимизга бебаҳо марҳамати бўлган эди.

Ислам Абдуганиевичга хос бўлган буқилмас ирода, фидойилик, мардлик ва ватанпарварлик, инсонийлик ва адолатпарварлик, самимийлик ва меҳрибонлик каби олижаноб фазилатлар барчамиз учун ёрқин ибрат намунаси бўлиб қолди.

Замонавий Ўзбекистоннинг тарихи — бу мамлакатимизнинг ҳақиқий муваққиллигига эришилш йўлида Ислам Абдуганиевич Каримов раҳнамолигида олиб борилган ўта мураккаб ва оғир курашлар тарихидир. Буюк йўлбошчимиз ҳақли равишда демократик талаблар ва халқаро мезонларга тўлиқ жавоб берадиган Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг ҳам асосий муаллифи эдилар.

Мамлакатимиз тоталитар тизимдан воз кечиш, муваққил тараққиёт йўлини танлади, кўплаб қийинчилик ва синовлардан ўтиб, тарихан қисқа даврда жаҳон ҳамжамиятида ўзига муносиб ўрин эгаллади.

Конституция ва унинг негизда яратилган пухта қонунлар, шунингдек, Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси ҳокимият институтларини шакллантириш ва уларнинг тўлақонли фаолият кўрсатишини, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш, мулкчиликнинг барча турларини, фуқароларнинг давлат бошқарувидаги фаол иштирокини таъминлади.

Ислам Абдуганиевич «Иқтисодий муваққилликка эришмасдан сиёсий муваққилликни таъминлаб бўлмайди» деган тамойил ва энг муҳим устувор вазифани амалга оширишни стратегик масала деб ҳисоблар эдилар.

Давлатимиз раҳбари томонидан ишлаб чиқилган иқтисодий дастурларнинг амалга оширилиши мамлакатимизнинг илчил ва барқарор ривожланишини таъминлади.

Муваққиллик йилларида Ўзбекистон иқтисодиёти қарийб 6 марта ўсди. Унда саноатнинг улуши 14 фоиздан 34 фоизга ошди. Охириги 11 йил давомида ялпи ички маҳсулотнинг ўртача йиллик ўсиш суръати 8 фоиздан кам бўлмаган даражада сақланмоқда. Фаол инвестиция сиёсати амалга оширилмоқда.

Мутлақо янги, юқори технологияларга асосланган саноат тармоқлари, хусусан, нефть-кимё, кимё, автомобилсозлик саноати, қишлоқ ҳўжалиги ва темир йўл машинасозлиги, фармацевтика, электротехника, тўқимачилик саноати, замонавий қурилиш материаллари ишлаб чиқариш ва бошқа соҳалар илчил ривожланмоқда.

Бугун Ўзбекистон иқтисодиёти жадал ривожланаётган дунёдаги бешта давлат қаторига киради. Бунинг яққол исботи сифатида мамлакатимизда қурилган ва ўз кўлами бўйича жаҳон миқёсида ҳам йирик ва ноёб ҳисобланган саноат объектлари, хусусан, Устюрт ва Шўртан газ-кимё комплекслари, Бўхоро нефтни қайта ишлаш заводи, Қўнғирот сода заводи, Дехқонобод қалъи ўғитлари заводи, Андижон, Самарқанд, Тошкент ва Хоразм вилоятларидаги автомобилсозлик заводларини мисол қилиб келтириш мумкин.

Республикаимизда жадал суръатлар билан замонавий йўл-транспорт ва муҳандислик-коммуникация инфратузилмаси ташкил қилинмоқда. Жумладан, Қамчиқ доводидан ўтадиган, ноёб тоғ туннелини ўз ичига олган Ангрен — Поп темир йўл тармоғи, Тошгузар — Бойсун — Қумқўрғон темир йўли қурилди. Тошкентдан Самарқанд, Қарши ва Бўхорога йўловчи ташийдиган юқори тезликдаги темир йўл қатнови очилди. Халқаро аэропортлар модернизация қилинди, Навоий аэропорти негизда халқаро логистика маркази ташкил қилинди ва Ўзбекистон миллий автомагистраллари барпо этилди.

Қишлоқ ҳўжалигида туб таркибий ислохотлар амалга оширилди. Барчамиз яхши эслаймиз, яқин ўтмишда Ўзбекистонни пахта монопольи ҳуқуқдорлиги қиладиган аграр бир мамлакат деб билишар эди. Мисол учун, 1990 йилда аҳолининг озиқ-овқат маҳсулотларига бўлган эҳтиёжи, асосан, четдан олиб келинадиган импорт ҳисобидан қондирилган эди.

Ислам Абдуганиевич Каримовнинг ташаббуси билан ер ва сув ресурсларидан самарали ва оқилона фойдаланиш, экин майдонларини оптимallasштириш ва янги, илғор агротехнологияларни жорий этиш, қайта ишлайдиган замонавий қорхоналарни ташкил этиш бўйича кенг чора-тадбирлар комплекси ишлаб чиқилди ва амалга оширилди. Ҳақиқий мулкдорларнинг янги синфи бўлган фермерлик ҳаракати шакллантирилди.

► Давоми 2-бетда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҚАРОРИ

ҚУРБОН ҲАЙИТИНИ НИШОНЛАШ ТЎҒРИСИДА

Муборак Қурбон ҳайитининг маънавий ҳаётимиздаги ўрни, моҳияти ва аҳамиятини, халқимизга мансуб меҳр-оқибат, шукроналик ва баркикенглик рамзи эканини эътиборга олиб, миллий-диний қадриятларимизни асраш ва улуғлаш мақсадида ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримовнинг «Диний байрам — Қурбон ҳайитини дам олиш кунини деб эълон қилиш ҳақида»ги 1991 йил 20 июндаги ПФ-221-сон Фармонида мувофиқ:

1. Ўзбекистон мусулмонлари идорасининг жорий йилда Қурбон ҳайитининг биринчи кунини 12 сентябрь душанба кунига тўғри келиши ҳақидаги мурожаатини инобатга олиб, 2016 йил 12 сентябрь мамлакатимизда дам олиш кунини деб белгилансин ва байрам сифатида кенг нишонлансин.

2. Республика «Нуроний», «Маҳалла» жамғармалари ва бошқа барча мутасадди идоралар, жамоат ташкилотлари

Қурбон ҳайитининг жойларда тартибли ва юқори даражада, халқимизнинг миллий қадриятларига мос равишда ўтиши учун тегишли тадбирларни амалга оширсин.

3. Ўзбекистон Миллий телерадиокорпорацияси, Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги ва бошқа оммавий ахборот воситаларига Қурбон ҳайитини нишонлаш билан боғлиқ тадбирларни кенг ёритиш тавсия этилсин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти
вазифасини бажарувчи

Ш.МИРЗИЁЕВ

Тошкент шаҳри,
2016 йил 9 сентябрь

■ ҚУРБОН ҲАЙИТИ БАЙРАМИ МУБОРАК БЎЛСИН!

МЕҲР-ОҚИБАТ, ҲИММАТ ВА САҲОВАТ АЙЁМИ

Муваққиллик йилларида мамлакатимизнинг Биринчи Президенти Ислам Каримов раҳнамолигида маънавиятни юксалтириш, умрбоқий аъёна ва қадриятлар, урф-одатларни тиклаш ва ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилди. Жумладан, ислом дини қадриятларини тиклаш, ислом маданиятининг эзгу ғояларини кенг тарғиб этиш йўлида амалга оширилган улкан ишлар маънавий юксалишнинг муҳим йўналишларидан бирига айланди.

► Давоми 3-бетда.

■ ИСТИҚЛОЛ ИМКОНИАТЛАРИ



«Ўзбекистон» поезди Андижонда

«Тошкент — Андижон — Тошкент» йўналиши бўйлаб «Ўзбекистон» йўловчи поездининг мунтазам ҳаракати бошланди. Унинг биринчи йўловчилари пойтахтимиздан Андижонга келишди.

— Тоғлар бағрини ёриб ўтган Ангрен — Поп темир йўл линияси бўйлаб қатнаётган «Ўзбекистон» поезди Фарғона водийси аҳлининг узоғини яқин қилди, — дейди меҳнат фахрийси Аҳмадали Усмонов. — Ушбу хайрли ишнинг бошида турган Биринчи Президентимиздан миннатдоримиз.

— Янги электропоезднинг биринчи йўловчиларидан бўлишим, — дейди Тошкент давлат иқтисодиёт университети талабаси Хурида Матқобулова. — Бу транспорт воситасининг халқимизга яратган қулайлиги таърифга сиймайди.

Поп, Қўқон ва Марғилон вокзалларида тўхтаб ўтадиган ушбу поезд вагонлари уч хил тоифага бўлинган, нархи ҳам баланд эмас. Поезд ва вокзалларда хизмат кўрсатиш даражаси ҳам замонавий талабларга тўлиқ мос келади.

Аҳмадилло СОЛИЕВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлиси тўғрисида АХБОРОТ

2016 йил 8 сентябрь кунини Тошкент шаҳрида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутатлари ва Сенати аъзолари, тақлиф этилган Вазиirlар Маҳкамаси аъзолари, вазиrликлар ва идоралар раҳбарлари, бошқа ташкилотларнинг, оммавий ахборот воситаларининг вакиллари иштирокида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлиси бўлиб ўтди.

Мажлис аввалида йўғилиш иштирокчилари Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти Ислам Абдуганиевич Каримов хотирасини ёд этиб, ҳурмат бажо келтирди.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг қўшма мажлисида «Ўзбекистон Республикаси Президентининг вазифа ва ваколатларини бажаришни вақтинча юклаш тўғрисида»ги масала қўриб чиқилди.

Қўшма мажлис давомида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Раиси Н.Т.Йўлдошев Ўзбекистон Республикаси Бош вазири Ш.М.Мирзиёевнинг давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларида раҳбарлик лавозимларидаги кўп йиллик тажрибасини, аҳоли ўртасидаги ҳурмат-эътиборини инобатга олган ҳолда, Ўзбекистон Республикаси Президентини вазифа ва ваколатларини бажаришни унинг зиммасига вақтинча юклаш мақсадида мувофиқлиги тўғрисидаги тақлиф билан мурожаат қилди.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Раиси Н.Т.Йўлдошевнинг мазкур тақлифи Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати

Кенгаши томонидан маъқулланганлиги маълумот учун қабул қилинди.

Сиёсий партиялар фракциялари раҳбарлари, депутатлар ва сенаторлар ҳозирги шароитда барқарорлиқни сақлаш, жамоат ҳафсизлигини ва ҳуқуқ-тартиботни таъминлаш, мамлакатни ривожлантиришнинг энг муҳим сиёсий ва ижтимоий-иқтисодий масалаларини самарали ҳал этиш зарурлигини эътиборга олиб, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Раиси Н.Т.Йўлдошевнинг тақлифини қўллаб-қувватладилар.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси ва Сенати Ўзбекистон Республикаси Президентининг вазифа ва ваколатларини бажаришни Ўзбекистон Республикаси Бош вазири Ш.М.Мирзиёев зиммасига вақтинча юклаш тўғрисида қўшма қарор қабул қилди.

Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясига «Ўзбекистон Республикаси Президентини сайлов тўғрисида»ги Қонунга тўлиқ мувофиқ ҳолда Ўзбекистон Республикаси Президентини сайлов тўғрисидаги тақлифни ташкил этиш тавсия қилинди.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг қўшма мажлиси шу билан ўз ишини якунлади.

Ўзбекистон Республикаси
Олий Мажлиси
Қонунчилик палатаси ва
Сенатининг ахборот хизматлари

■ 4 ДЕКАБРЬ — ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ САЙЛОВИ КУНИ

МАРКАЗИЙ САЙЛОВ КОМИССИЯСИДА

Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясининг мажлиси бўлиб ўтди. Мажлисни Марказий сайлов комиссияси раиси М.Абдусаломов бошқарди.

Мажлисда Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси аъзолари, сиёсий партияларнинг раҳбарлари ва оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этди.

Мажлис қатнашчилари Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти Ислам Каримов хотирасини ёд этиб, ҳурмат бажо келтирди.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 96, 117-моддалари ҳамда «Ўзбекистон Республикаси Президентини сайлов тўғрисида»ги қонуннинг 8-моддаси, «Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси тўғрисида»ги қонуннинг 5 ва 9-моддаларига мувофиқ, 2016 йил 4 декабрь, яқшанба кунини Ўзбекистон Республикаси Президентини сайлов кунини деб белгилаш тўғрисида қарор қабул қилинди.

Шу муносабат билан Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси жорий йилнинг 9 сентябридан Ўзбекистон Республикаси Президентини сайлов тўғрисидаги тақлифни ташкил этиш тавсия қилинди.

Марказий сайлов комиссияси мажлисида Ўзбекистон Республикаси Президентини сайлов тўғрисидаги тақлифни ташкил этиш бўйича асосий тадбирлар дастури ҳам тасдиқланди.

Мажлисда сайловга тайёргарлик қилиш ва уни ўтказиш бўйича тақлиф Марказий сайлов комиссияси, тузиладиган сайлов комиссиялари томонидан очиб ва ошқора, «Ўзбекистон Республикаси Президентини сайлов тўғрисида»ги қонунга тўлиқ мувофиқ ҳолда амалга оширилиши таъкидланди.

Шунингдек, Марказий сайлов комиссияси Ўзбекистон Республикаси Президентини сайлов тўғрисидаги тақлифни ташкил этиш бўйича тақлиф Марказий сайлов комиссияси, тузиладиган сайлов комиссиялари томонидан очиб ва ошқора, «Ўзбекистон Республикаси Президентини сайлов тўғрисида»ги қонунга тўлиқ мувофиқ ҳолда амалга оширилиши таъкидланди.

ЎЗА

ҚУРБОН ҲАЙИТИ БАЙРАМИ МУБОРАК БЎЛСИН!

Ўзбекистон Халқ демократик партияси Марказий Кенгашида Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти Ислам Каримов хотирасига бағишланган тадбир бўлиб ўтди.

БУЮК ДАВЛАТ АРБОБИ

Унда партия Марказий Кенгаши ходимлари, Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги фракцияси аъзолари Президентимиз хотирасига ҳурмат бажо келтиришди.

Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгаши раиси ўринбосари, партиянинг парламентдаги фракцияси аъзоси Рустам Комилов ва бошқалар Юртбошимиз мамлакатимизда демократик давлат, кучли фуқаролик жамияти барпо этиш гоёлари асосида бўлгани, у киши раҳбарлигида барча соҳада тарихий ислохотлар амалга оширилганини таъкидлашди.

Буюк давлат арбоби, нодир сиёсатчи, мамлакатимизнинг халқпарвар, доно раҳбари Ислам Каримовнинг ҳаёт йўли, олиб борган оқилона сиёсати, улуг инсоний фазилатлари ҳақида сўз борди.

Президентимизнинг жасорати туфайли юртимиз ҳам сиёсий, ҳам иқтисодий жиҳатдан юксак ютуқларга эришгани, том маънода келажаги порлоқ мустақил давлатга айлангани, дунёда тез ва барқарор ривожланиётган давлатлар сафидан мустақам жой олгани қайд этилди.

— Халқимиз ўз тарихида қанчадан-қанча оғир синовларга, мудҳиш қунарлар дуч келди, лекин Президентимиз кўксини қалқон қилиб, халқимизни ҳимоя этди, бошимизни баланд кўтариб яшашга ўргатди, — деди «Ўзбекистон овози» ва «Голос Узбекистана» газеталари Бош муҳаррири, Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгаши аъзоси Сафар Остонов. — «Биз ҳеч қандам кам эмасмиз, кам бўлмаймиз ҳам», деган широр қалбимизнинг онгимиз ва қалбимиздан чуқур жой олди. Энг муҳими, Давлатимиз раҳбари бизга Ватанни қандай севиш кераклигини ўргатиб кетди. Бу улуг инсон халқимизнинг қалбида мангу яшайди.

Тадбирда сўзга чиққанлар буюк шахс хотираси олдида Ватанга фидойи бўлиш, мустақиллиқни мустаҳкамлаш, она Ўзбекистонимизнинг равнақи йўлида чин дилдан хизмат қилиш барчамизнинг муқаддас бурчимиз эканини таъкидлашди.

Ўзбекистон ХДП
Марказий Кенгаши
Матбуот хизмати.

■ Ҳайит байрами кишиларни бир-бирига меҳр-оқибатли бўлишга чақириш билан бирга, ўзаро иззат-ҳурмат, саховат кўрсатишга ундайди. Байрамда ота-онаси, яқинларининг, шунингдек, кексалар, беморлар, ногиронлар, етимлар ҳолидан хабар олиш энг яхши амаллардандир.


МЕҲР-ОҚИБАТ, ҲИММАТ ВА САХОВАТ АЙЁМИ

Таъкидлаш жоиз, бу борадаги эзгу савий-ҳаракатлар Ислам Каримов ташаббуси билан ҳали собиқ мустабид тузум ҳукмронлиги давридаёқ бошланган эди. Хусусан, 1991 йил 20 июнда Президентимизнинг «Диний байрам — Қурбон ҳайитини дам олиш кунини деб эълон қилиш ҳақида»ги фармони эълон қилингани ҳам бунинг ёрқин далилидир. Ушбу ҳужжатга биноан Қурбон ҳайити юртимизда ҳар йили кенг нишонланади.

Мамлакатимизда фуқаролар учун виждон ва эътиқод эркинлиги Конституция ва қонунлар билан мустаҳкамланган. Бош қомусимизнинг 31-моддасида ҳамма учун виждон эркинлиги қамолатлини, ҳар бир инсон хоҳлаган динга эътиқод қилиш ёки ҳеч қайси динга эътиқод қилмаслик ҳуқуқига эга экани белгиланган. Конституцияимизнинг ушбу моддаси мамлакатимизда демократик давлат ва фуқаролик жамияти барпо этиш, эркин ва фаровон ҳаёт қуриш йўлидаги муҳим тамойил бўлиб, айна пайтда жамиятнинг барча аъзолари ўртасида тотулик ва диний эркинлиқни таъминлашга хизмат қилмоқда.

Инсоният тамаддуни бешикларида бири сифатида эътироф этилган диёримиздан етишиб чиққан Имом Бухорий, Имом Термизий, Бурҳониддин Марғиноний, Имом Мотуридий, Абдуллоҳиқ Ғиждувоний, Баҳоуддин Нақшбанд, Хожа Аҳрор Валий каби буюк алломаларнинг қутлуг номи ва бебаҳо мероси қайта тикланди. 2007 йилда Таълим, фан ва маданият масалалари бўйича ислом ташкилоти (ISESCO) томонидан Тошкент шаҳри ислом маданияти пойтахти деб эълон қилиниши Юртбошимиз раҳнамолигида халқимизнинг ислом дини ривожига қўшган ҳиссасининг юксак халқаро эътирофи бўлди.

Мамлакатимизда диний эътиқод эркинлигининг таъминлангани, жумладан, ислом илминини ўқитишга ихтисослашган бир қатор таълим муассасаларининг фаолият юритиши бой тарихий ва маънавий меросимизни улуғлаш йўлида улкан қадимлар ташланганидан далолатдир. Буюк йўлбошимиз ташаббуси билан ташкил этилган Тошкент ислом университети каби олий таълим муассасалари, бир қатор ўрта махсус билим юртиларида ёшларнинг диний ва дунёвий илмларни



эгаллашига ҳар томонлама шароит яратилган.

Мамлакатимизда ислом динининг барча арконларини, жумладан, муборак ҳаж сафарини адо этиш учун кенг имкониятлар яратилган. Истиқлол йилларида юз мингдан ортиқ юртдошимиз ҳаж зиёратини адо этишга муяссар бўлди. Бу йил ҳам беш мингдан зиёд юртдошимиз муборак ҳаж зиёратини амалга ошириш учун Саудия Арабистонига жўнаб кетди. Улар зиёратни тўла-тўқис амалга ошириши учун барча шарт-шароит муҳайё қилинган. Ҳожиларимизга турар жой, тиббий хизмат кўрсатиш борасида барча зарур чоралар кўрилган.

Ўзбекистон Республикаси Президенти вазифасини бажарувчи Ш.Мирзиёевнинг шу йил 9 сентябрда қабул қилинган «Қурбон ҳайитини нишонлаш тўғрисида»ги қарорига мувофиқ 12 сентябрь кунини юртимизда ушбу муборак айём кенг нишонланади. Меҳр-мурувват, ўзаро ёрдам, саховат каби эзгу амаллар бажариладиган Қурбон ҳайитини кўтаринки руҳда нишонлаш учун барча чора-тадбирлар кўрилмоқда.

— Мамлакатимизда мўмин-мусулмонларга диний қадрият ва амалларни бажариши учун барча шароит яратилган, — дейди Ўзбекистон мусулмонлари идораси

раиси ўринбосари Абдулазиз Мансур. — Масжидларимиз обод бўлиб бормоқда. Юртдошларимиз хотиржамликда ўз ибодатларини адо этиб келмоқда. Буларнинг ҳаммаси мустақиллигимиз шарофати, Биринчи Президентимизнинг миллий-диний қадриятларимиз ривожига қаратган улкан эътибори натижасидир.

Ҳайит байрами кишиларни бир-бирига меҳр-оқибатли бўлишга чақириш билан бирга, ўзаро иззат-ҳурмат, саховат кўрсатишга ундайди. Байрамда ота-онаси, яқинларининг, шунингдек, кексалар, беморлар, ногиронлар, етимлар ҳолидан хабар олиш энг яхши амаллардандир.

Меҳрибонлик, Мурувват ва Саховат уйларига моддий ёрдамлар кўрсатилмоқда. Бундай хайр-ли амаллар юртдошларимиз ўртасида меҳр-мурувват ришталарининг янада мустаҳкамлинишига хизмат қилмоқда.

— Ҳайит байрамини кўтаринки руҳда нишонлашга қатта тайёргарлик кўрмоқдамиз, — дейди пойтахтимизнинг Бектемир туманидаги «Миришкор» маҳалла фуқаролар йиғини раиси Рустам Хошимов. — Жойларда меҳр-мурувват ва хайр-саховат тадбирлари амалга оширилмоқда. Ногирон, ёрдамга муҳтож кишилар, уруш ва меҳнат фахрийлари

ҳолидан хабар олиниб, уларга моддий ва маънавий ёрдам кўрсатилмоқда. Нурунийларимиз бош бўлиб, кенг жамоатчилик иштирокида масжидлар, муқаддас қадимжолар, зиёратгоҳ ва қабристонлар тартибга келтирилмоқда.

Юртдошларимиз байрамни тинч ва оқойишта ўтказиши учун барча техник ва хавфсизлик чоралари кўрилган. Ҳайит намози ўқиладиган масжидларнинг техник ҳолатини мос равишда ташкил этиш, ёнғин хавфсизлигини таъминлаш, йўл ҳаракати қоидаларига риоя қилган ҳолда аҳолига транспорт хизмати кўрсатиш тадбирлари амалга оширилмоқда.

Тинчлик-хотиржамлик, меҳр-оқибат, қатталарга ҳурмат, кичикларга иззат, ҳиммат ва саховат каби анъаналар юртимизда мустаҳкам қарор топган. Мана шундай фараҳбахш кунларда ҳар биримизнинг қалбимизда шукроналик ва шодмонлик туйғуси жўш уриши шубҳасиз. Шу маънода, муборак Қурбон ҳайитининг мамлакатимизда кенг нишонланиши тинчлик ва оқойишталикнинг, қўлга киритаётган бемисл улуғларимизнинг шукронасидир.

Дилшод КАРИМОВ,
ЎЗА муҳбири.

■ ЎЗХДП МАҲАЛЛИЙ КЕНГАШЛАРИДА

Бошланғич партия ташкилотлари фаолияти атрофлича ўрганилмоқда

Ҳар бир сиёсий партиянинг таъсир кучи ва салоҳияти бошланғич ташкилотлари орқали белгиланади. Шунинг учун бошланғич ташкилотлар ва уларнинг етакчилари билан мунтазам алоқада бўлиш, фикр алмашиш талаб этилади.

Ўзбекистон Халқ демократик партияси Наманган вилоят кенгаши, шаҳар ва туман кенгашлари, депутатлар бу масалага алоҳида эътибор қаратмоқда. Вилоят партия кенгаши қарори билан бошланғич ташкилотлар фаолиятини ўрганиш бўйича ишчи гуруҳ тузилган. Унга вилоят партия кенгаши раиси ўринбосари Эргашали Абдуллаев бошчилиқ қилипти.

— Деярли ҳар кунини бошланғич ташкилотлар етакчилари, партияимиз фаоллари билан учрашамиз, мулоқотда бўламиз, — дейди у. — Улар ўз ютуқлари, муаммолари ҳақида сўзлашади. Биз билдирилган фикр-мулоҳазаларни таҳлил этамиз. Шулар асосида турли масалаларни

Ровот қишлоқ врачлик пункти, «Олмазор», «Обод» маҳалла фуқаролар йиғинидаги ҳудудий партия ташкилотлари талаб даражасида ишламаяпти. Ўрганиш давомида етакчилар билан суҳбатлашилди. Бошланғич ташкилотлар фаолиятини янада яхшилаш чоралари белгиланди.

«Қўқимбой» шифохонаси, Олмазор педагогика ва сервис коллежи, «Қорасув» қишлоқ врачлик пунктидаги бошланғич ташкилотлар етакчилари билан суҳбатда аъзолар фаолигини ошириш бўйича тавсиялар берилди.

Уйчи туманида жами 2672 нафар партия аъзоси бор, улар 65 бошланғич ташкилотга бирлашган.

Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгаши Ижроқўм Ҳайъатининг 2013 йил 4 сентябрдаги қарорига мувофиқ, ҳар ойнинг охиригида шунда туман кенгашида «Бошланғич партия ташкилотлари кунини» мунтазам ўтказилиб келинган. Рўзибоев, Навоий номи маҳалла фуқаролар

йиғинларидаги ҳудудий партия ташкилотлари, «Уйчи нефть» унитар корхонасидаги бошланғич ташкилотда иш намунали йўлга қўйилган.

Вилоят партия кенгаши вакилларининг фикрига кўра, Чортоқ, Поп, Учқўрғон туман партия кенгашлари йирик бошланғич ташкилотлар билан ишлаш тажрибасини ошириши талаб этилади.

Сиёсий партия жамиятда мустаҳкам ўрат топши учун электротар мантиларини самарали ҳимоя қилишга қаратилган тақдирларни илгари суриши ва уларни амалга ошириш йўлида ташаббускорлик кўрсатиши зарур.

Вилоят партия кенгашининг бошланғич ташкилотлар билан ишлаш сектори мудиридан камчиликларни бартараф этиш чоралари ҳақида сўрадик.

— Бугун, аввало, электротар орасида олиб бораётган ишларимизни янги сифат босқичига кўтариш керак, — деди у. — Дастурий мақсадларимизни

нафақат кенг тушунтириш, балки улар амалга ошириш депутатлар ёрдамида назорат қилиб бориш, бу ишларга партия аъзолари, фаолларини кенг жалб қилиш талаб этилмоқда. Чунки бошланғич ташкилотлар фаолияти қониклар бўлмаса, партия ўз электротаридан узилиб қолади. Шундан келиб чиқиб, виллоят, шаҳар ва туман партия кенгашлари, депутатлар бошланғич ташкилотлар фаолиятини мунтазам ўрганиб бормоқда. Уларнинг ишини такомиллаштириш чораларини янада кучайтирамиз.

Хулоса ўрнида айтиш кераки, виллоятда бошланғич партия ташкилотларини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, етакчиларнинг маъсулиятини ошириш бўйича мунтазам иш олиб борилапти, уларнинг фаолиятида жонланиш кузатилапти. Бу бошланғич ташкилотларнинг партияимиз таянчига айланишида муҳим ўрин тутди.

Носиржон ДЕҲҚОНОВ,
«Ўзбекистон овози» муҳбири.

■ ЎЗХДП ГУРУҲИ ЙИГИЛИШИ

ТИББИЙ ХИЗМАТ СИФАТНИ ОШИРИШ

масаласи виллоят Кенгаши сессиясига киритиладиган бўлди



Раимберган САБУРОВ,
халқ депутатлари
Хоразм вилоят
Кенгашидаги
ЎЗХДП гуруҳи раҳбари:

— Мамлакатимизда ёш авлоднинг ҳар томонлама баркамол қилиб тарбиялашга алоҳида эътибор қаратиб келинмоқда. Хусусан, соғлиқни сақлаш тизимини тубдан ислох этиш юзасидан тегишли меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилинган. Мамлакатимизнинг олис ҳудудларида ҳам замонавий тиббий муассасалар барпо этилди. Зарур мутахассисларни тайёрлаш мақсадида ихтисослаштирилган олий ва ўрта махсус ўқув юртилари ташкил этилди. Тиббиёт муассасаларининг моддий-техник базаси мустаҳкамланди, замонавий ускуналар билан жиҳозланди.

Бу борада Хоразм вилоятда ҳам кенг қўламли ишлар амалга оширилмоқда. Жорий йилда виллоятимизда «Соғлом она ва бола йили» Давлат дастури доирасида виллоят болалар кўп тармоқли тиббий маркази, виллоят болалар силга қарши кураш санаторийсида реконструкция ишлари олиб боришмоқда.

Шунингдек, виллоят кўп тармоқли клиник шифохонаси, қон қуйиш станцияси, Республика шифохонаси тез тиббий ёрдам кўрсатиш маркази Хоразм вилоят филиали, руҳий ва асаб касалликлар диспансери, Урганч шаҳридаги 1-сон оилавий поликлиника, Қўшқўпир ва Гурлан туманлари тиббий ёрдам марказлари, Питнак шаҳар ҳамда Урганч туман тиббий ёрдам марказлари поликлиника бўлимлари капитал таъмирланмоқда.

Бир сўз билан айтганда, тиббий ёрдам хизмати аҳолига хизмат кўрсатиш учун ҳар томонлама қўлай шароит яратиб берилапти. Лекин афсуски, биз, депутатларга сайловчилардан айрим соғлиқни сақлаш муассасалари ходимлари томонидан беморларга қўнғилдагидек хизмат кўрсатилмаётгани, ходимларнинг муомала маданияти пастлиги ҳолатлари бўйича мурожаатлар тушяпти.

Яқинда халқ депутатлари Хоразм вилоят, туманлар ва Урганч шаҳар Кенгашларидаги партияимиз гуруҳлари аъзолари мурожаатлар асосида назорат-таҳлил ўтказди. Сўнгра виллоят Кенгашидаги партияимиз гуруҳи йиғилишида «Виллоятда аҳолига кўрсатилмаётган тиббий хизматларнинг сифатини янада ошириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги масала атрофлича муҳокама этилди.

Дастлаб депутатлар виллоят соғлиқни сақлаш бошқармаси бошлиғи ахборотини тингладилар.

Муҳокама қилинган депутатлар соғлиқни сақлаш муассасалари тизимини амалга оширилган ижобий ишларни эътироф этиб, соҳада учраётган баъзи камчиликларга ҳам тўхталиб ўтишди.

Хусусан, айрим тиббий ходимларнинг вазифасига маъсулиятсизлик билан ёндашгани, малакасини оширишга интилиши сустлиги, дори воситалари олиш учун шифокор томонидан берилган рецептларнинг белгиланган тартибда расмийлаштирилмаслиги, дори-хоналар фаолиятидаги камчиликлар атрофлича таҳлил қилинди.

Депутатларнинг фикр-мулоҳазаларидан сўнг Ўзбекистон ХДП гуруҳи масалани виллоят Кенгаши сессиясига олиб чиқиш ҳақида қарор қабул қилди.

Зеро, бугунги кунда ҳукумат томонидан яратиб берилган шароит ва имкониятлардан унумли фойдаланиш, фуқароларнинг қонуний ҳуқуқларини таъминлаш, бошқача айтганда, одамларни рози қилиш долзарб вазифадир.

2016 ЙИЛ — СОҒЛОМ ОНА ВА БОЛА ЙИЛИ

ПАРАЛИМПИАДА ЎЙИНЛАРИ — 2016

ПАРАЛИМПИАДАЧИЛАРИМИЗДА 8 МЕДАЛЬ

Бразилиянинг Рио-де-Жанейро шаҳрида ўтаётган XV Паралимпия ўйинларининг дастлабки кунда ўзбекистонлик спортчилар 3 олтин, 2 кумуш ва 3 бронза медалга сазовор бўлди.



Дунёнинг 160 дан зиёд давлатдан тўрт мингдан ортиқ спортчи иштирок этаётган нуфузли мусобақада спортчиларимиз дзюдо, су-иш, энгил атлетика, ўқ отиш ва пауэрлифтинг бўйича Ватанимиз шарафини ҳимоя қилмоқда.

Паралимпия ўйинларининг дзюдо бўйича вазни 60 килограммгача бўлган спортчилар ўртасидаги беллашувларида қатнашган Шерзод Намозов уругвайлик Хенри Боргес, озарбайжонлик Рамин Иброҳимов, финалда япониялик Макото Хиро-сени энгиб, олтин медалга сазовор бўлди.

Вазни 66 килограммгача бўлган дзюдочилар баҳсида қатнашган Ўткир Нигматов пуэрто-риколик Луиз Диас Перес, украиналик Давид Хорава ва озарбайжонлик Байрам Мустафоевни мағлубиятга учратиб, шохсупанинг энг юқори поғонасига кўтарилди.

Ўзбекистон спорт делегацияси ҳисобига яна битта олтин медални энгил атлетика баҳсларида иштирок этган Хусниддин Норбеков келтирди. Тажрибали спортчимиз диск улоқтириш баҳсларида 59,75 метр натижа қайд этиб, биринчи ўринни эгаллади. Унинг кўрсатган натижаси жаҳон ва Паралимпия

ўйинлари рекорди сифатида қайд этилди.

Фолиб спортчиларимиз шарафига Ватанимиз байроғи кўтарилиб, мадҳиямиз янгради.

Дзюдо бўйича хотин-қизлар ўртасида вазни 52 килограммгача бўлган спортчилар баҳсида қатнашган Севинч Салаева учинчи ўринни эгаллади.

100 метрга баттерфляй усулида сузиш баҳсларида Кирилл Паньков 56,84 сония натижа кўрсатиб кумуш медални, Музаффар Турсунхўжаев 57,26 сония натижа билан бронза медални қўлга киритди.

Хотин-қизлар ўртасида 100 метрга баттерфляй усулида сузиш бўйича финал босқичида иштирок этган Муслима Одилова 1 дақиқа 04,92 сония натижа кўрсатиб кумуш медални, Фотимахон Амилова 1 дақиқа 04,93 сония натижа билан бронза медални қўлга киритди.

Айни пайтда Ўзбекистон спорт делегацияси медалга жамғариш бўйича умумжамоа ҳисобида Хитой ва Буюк Британиядан кейин учинчи ўринда бормоқда.

Байрам АЙТМУРДОВ,
ЎЗА мухбири.

«Ўзбекистондаги оилавий поликлиникалар фаолияти билан яқиндан танишиб, уларни Испания соғлиқни сақлаш тизими билан ўзимча солиштириб кўрдим. Ўйлашимча, оилавий поликлиникалар тажрибасини дунё мамлакатларига ўрнатиб кўрсатса арзийди».

ОИЛА, ОНАЛИК ВА БОЛАЛИК:

эришилаётган натижалар, истиқболдаги вазифалар муҳокама қилинди

**Пойтахтимизда
Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси,
Соғлиқни сақлаш
вазирлиги ва бошқа
қатор ташкилотлар
ҳамкорлигида
мамлакатимизда оила,
оналик ва болалиқни
муҳофаза қилиш
борасида амалга
оширилаётган ишлар,
эришилаётган ютуқлар
ва истиқболдаги
вазифаларга
бағишланган халқаро
анжуман бўлиб ўтди.**

Унинг иштирокчилари Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти Ислам Каримов хотирасини ёд этиб, ҳурмат бажо келтирдилар.

Ташкилотчилар ва хориқлик меҳмонлар мамлакатимизнинг Биринчи Президенти Ислам Каримов томонидан 2014 йил 1 августда қабул қилинган «2014-2018 йилларда Ўзбекистонда аҳолининг репродуктив саломатлигини янада мустаҳкамлаш, оналар, болалар ва ўсмирлар соғлигини муҳофаза қилиш борасидаги Давлат дастури тўғрисида»ги қарори ҳамда «Соғлом она ва бола йили» Давлат дастури асосида Учтепа туманидаги 23-оилавий поликлиникада яратилган шарт-шароит билан танишди, энг замонавий тиббиёт



ускуналарини кўздан кечирди, — дейди Хотин-қизлар қўмитаси раиси Элмира Боситхонова, Соғлиқни сақлаш вазирлиги ўринбосари Лазиз Тўйчиев, БМТ аҳолишунослик жамғармасининг мамлакатимиздаги ваколатхонаси раҳбари Миеко Ябута ва бошқалар Ўзбекистонда Ислам Каримов раҳнамолигида ишлаб чиқилиб, амалга оширилаётган «Соғлом она — соғлом бола» миллий модели оналик ва болалиқни ҳимоялашда юксак самаралар бераётганини алоҳида таъкидладилар.

Бугунги кунда Тошкент педиатрия тиббиёт институти клиникасида болаларга 17 йўналиш бўйича юқори технологияли тиббий ёрдам кўрсатишда, шунингдек, бу ерда туғма юрак хасталиклари бўлган болалар

кардиоластик жарроҳлик йўли билан даволанмоқда.

Рақамларга мурожаат қиладиган бўлсак, кейинги беш йилда ҳар 100 мингта чақалоққа нисбатан оналар ўлими 23,1 дан 19 тага, 5 ёшгача бўлган болалар ўлими 14,8 тадан 13,9 тага, чақалоқлар ўлими 11 тадан 10,7 тага камайди. Ушбу кўрсаткичлар бўйича Ўзбекистон БМТнинг Мингйиллик ривожланиш мақсадларига эришди.

— Ўзбекистонда оила мустаҳкамлиги, она ва бола саломатлигига эътибор қай даражада эканини ўз кўзимиз билан кўриб, гувоҳ бўлдим, — дейди **ЮНЕСКОнинг соғлиқни сақлаш бўйича Ўзбекистондаги вакили Светлана Штефанет**. — Мамлакатимизда бу борада қўлга киритилган ютуқлар эътирофга лойиқ ва ўйлашимча, келгусида бу эзгу сазй-ҳаракатлар изчил давом этади.

— Ўзбекистондаги оилавий поликлиникалар фаолияти билан яқиндан танишиб, уларни Испания соғлиқни сақлаш тизими билан ўзимча солиштириб кўрдим. Ўйлашимча, оилавий поликлиникалар тажрибасини дунё мамлакатларига ўрнатиб кўрсатса арзийди, — дейди **Испаниядаги «HM Hospitals» клиникасининг бошқарувчи директори Хавьер Каскерио Лара**. — Ўзбекистонда яратилган тизим, оила, она ва бола манфаати устувор эканини намоён этди. Мазкур халқаро анжуман юртингизда эришилган ютуқ ва тажрибаларни оммалаштириш, тиббиёт ютуқларини тарғиб этишда муҳим аҳамият касб этади.

Нуруллоҳ ДОСТОН,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

РЕКЛАМА

ТЕНДЕРНАЯ КОМИССИЯ АО «ЎЗБЕКISTON ТЕМИР ЙУЛЛАРИ»

Объявляет тендер № 2 на 2016 год на приобретение оборудования для вагона-дефектоскопа.

За тендерной документацией обращаться по адресу:
г. Ташкент, ул. Т. Шевченко, 7, АО «Ўзбекистон темир йуллари».

Тел: 238-87-07, 237-94-46, факс: 237-92-70.
E-mail: mtr@uzrailway.uz

Заявки на участие в тендере принимаются в течение 40 дней с момента выхода объявления в средствах массовой информации.

Прием документов производится до 15:00 18 октября 2016 года.



Услуги лицензированы.

Қибрай туманидаги

«Чинобод — Мирахмедов Шухрат»

фермер хўжалиги жамоаси

юртдошларимизни, барча деҳқону
миришкорларни муборак
қурбон ҳайити билан табриклайди.

Жонадонингиздан тинчлик,
осойишталик, меҳр-оқибат аримасин!



ҲИҚМАТЛАР ҲАЗИНАСИДАН

БОЛАНИ ЁШДАН ЎРГАТ...

«Бола тарбияси бешикдан»; «Болани ёшдан тий»; «Бола — ёшидан, хотин — бошидан»; «Болани ёшдан асра, ниҳолни бошдан асра»; «Дарахдан мева оламан десанг, ниҳоллигидан парварий қил»; «Дарахт ўз жойида эгри битса, минг тобин олсанг, тўғри бўлмас»; «Қуриган ёғоч эгилмас, қуриган тиркиш тугилмас» (тиркиш — хом теридан тилишлаб ясалган майин қайиш ил); «Қотган нажда эгилмагандек, қотган гавда ҳам эгилмайди»; «Бола — лой, она — қуллол»; «Бола туққанниқ эмас, тарбиялаганники».

Бу мақолларда болани ёшлигиданок тарбия қила бошлаш зарурлиги, акс ҳолда тарбия таъсир қилмай қолиши кўрсатилган. Халқимиз ўртасида шундай бир ривоят бор: «Қуларнинг бирида буюқ ҳақим Ибн Сино ҳузурига ёш эр-хотин келиб: «Эй донишманд, бизга фарзандимизни тарбия этиш хусусида маслаҳат берсангиз», деб мурожаат қилишди. «Болангиз қанчалик бўлди?», сўрайди ҳақим. «Олти ойлик». «Аттанг, олти ойга кечикибсизлар!», деган жавобни олишди.

«Ўзбекистон овози» ва «Голос Узбекистана» газеталари жамоаси Наманган вилояти бўйича мухбир Носиржон Деҳқоновга волидаи мухтарамаси

КИМЁХОН аянинг вафоти муносабати билан чуқур таъзия билдиради.

MUASSIS:



O'ZBEKISTON
XALQ DEMOKRATIK
PARTIYASI
MARKAZIY KENGASHI

Bosh muharrir: **Safar OSTONOV**

TAHRIR HAY'ATI:

Abdulla O'RIPOV
Hotamjon KETMONOV
Ulug'bek VAFOYEV
Rustam KAMILOV

Saidkamol XODJAYEV
Muslihiiddin MUHIDDINOV
Ochilboy RAMATOV

Saidahmad RAHIMOV
Farrux HAMROYEV
(Bosh muharrir birinchi o'rinbosari)
Tat'yana KISTANOVA
(Bosh muharrir o'rinbosari)

Qabulxona — 233-65-45

Xatlar va murojaatlar uchun — 233-12-56
E-mail: info@uzbekistonovozi.uz

MANZILIMIZ:
100000, Toshkent,
Matbuotchilar
ko'chasi, 32-uy.

Gazeta O'zbekiston Matbuot va axborot agentligida 0006-raqam bilan 2007-yil 11-yanvarda ro'yxatga olingan.

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi boshmaxonasida chop etildi.
Korxonada manzili: Buyuk Turok ko'chasi, 41-uy.
Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi. Hajmi — 2 bosma taboq.

Gazeta seshanba, payshanba va shanba kunlari chiqadi.
«O'zbekiston ovozi» materiallarini ko'chirib bosish faqat tahririyat ruxsati bilan amalga oshiriladi.

Г — 959
8786
naxsada
bosildi.

Nashr ko'rsatkichi — 220
t — Tijorat materiallari
O'za yakuni — 20:49
Topshirilgan vaqti — 22:10

Sotuvda kelishilgan narxda

Navbatchi:

Mirbaxtiyor MIRFAZIYEV

Sahifalovchi-dasturchilar:
Zafar BAKIROV
Behzod ABDUNAZAROV

ISSN 2010-7633



1 2 3 4 5